

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ  
ФАРМОЙИШИ**



**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН  
РЕСПУБЛИКАСЫ  
МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ  
БИЙЛИГИ**

08/01

Нукус шаҳри

Нөкис қаласы

№ 24-б

« 9 » февраль 2018 й.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси  
“Онлайн маслаҳатчи” модули фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашида ташкил этиш юзасидан**

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 26-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси “Онлайн маслаҳатчи” модули фаолиятига нисбатан татбиқ этилганлиги ижросини таъминлаш мақсадида.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси негизда жисмоний ва юридик шахсларга реал вақт режимда маслаҳат бериш имкониятини берувчи “Онлайн маслаҳатчи” модули ишга тушириш бўйича 2018 йил 2 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 04/2-214-сонли хати ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси “Онлайн маслаҳатчи” модули фаолияти Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида Маслаҳатлар бериш реал вақт режимда ҳафтанинг душанба – жума кунлари соат 9:00 дан 18:00 га қадар танаффуссиз ташкил этилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг “Онлайн маслаҳатчи” модулига келиб тушган мурожатларга ўз вақтида мурожаатчига ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш бўйича реал вақт режимда малакали маслаҳат бериш учун масъул ходимлари иловага мувофиқ бириктирилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг “Онлайн маслаҳатчи” модулига бириктирилган масъул ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси “Онлайн маслаҳатчи” модули фаолиятини ташкил этиш юзасидан тавсиялари асосида ишларни ташкил этиши таъминлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ишлар босқарувчиси (М.Джуманиязов) Вазирлар Кенгашининг “Онлайн маслаҳатчи” модулига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатлар билан [www.cabinetpm2.gov.uz](http://www.cabinetpm2.gov.uz) сайтида ишлаш учун интернет тармоғи уланган ва ажратиладиган компьютерларга қуйидаги минимал талабларга жавоб берадиган ускуналар билан таъминлансин:

- Intel Core i5 6400, Частота 3.3 ГГц, Кэш: 6МБ;
- оператив хотира хажми камида 4 ГБ (8 ГБ);
- хажми камида 1 ТБ бўлган қаттик диск;
- монитор – камида 21’ диагональ;
- операцион тизим – Microsoft Windows 7 Professional;
- Веб-браузер – Google Chrome;
- Microsoft Office 2013 офис пакети;
- UPS.
- Вазирлар Кенгаши биносидан алоҳида хона ва керакли мебель жиҳозлари билан таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг “Онлайн маслаҳатчи” модулига бириктирилган масъул ходимларини кунлик навбатчилик асосида бириктирилиши топширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Худудий бошқармаси (Қ.Каланов) ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги «Компьютерлаштириш маркази» ДУК (Қ.Тлеув) Вазирлар Кенгашининг “Онлайн маслаҳатчи” модули Интернет тармоғидан фойдаланишда мавжуд талабларга мувофиқ ташкилий-техник имкониятлар яратилишида белгиланган тартибда амалий ёрдамлар кўрсатсин.

7. Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа тегишли ташкилотлар ўзларининг идорасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси “Онлайн маслаҳатчи” модули фаолиятини жорий этиш бўйича раҳбарнинг буйруғи (фармойиши)га мувофиқ мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул ходимларни бириктирсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси “Онлайн маслаҳатчи” модули фаолиятини мувофиқлаштириш Вазирлар Кенгашининг Умумий бўлими бошлиғи А.Зарекеев зиммасига юклатилсин.

9. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари (А.Тажетдинов, М.Жуманов, Б.Хабибуллаев, С.Наметов, С.Хожаметов, М.Алеуов, З.Ибрагимова)лар ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ишлар босқарувчиси (М.Джуманиязов) зиммаларига юклатилсин.

**Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг Раиси**

**Қ.Сариев**



**Вазирлар Кенгашининг**  
**“ 9 ” февраль 2018 йилдаги**  
**248-сон фармойишга**  
**илова**

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг “Онлайн маслаҳатчи” модулига келиб тушган мурожатларга ўз вақтида мурожаатчига ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш бўйича реал вақт режимида малакали маслаҳат бериш учун масъул ходимлари**

Ташкилот номи	Масъул ходим		Алоқа маълумотлари		
	Ф.И.О.	Лавозими	Хизмат телефони рақами	Шахсий телефон рақами	Электрон почта манзили
ҚР Вазирлар Кенгаши	Жуманиязов Атанияз Аманйезович	етакчи мутахассиси	222-29-66	(97)787-88-82	ekonom.vk@exat.uz
ҚР Вазирлар Кенгаши	Сейтгазаров Саламат Урумбаевич	етакчи мутахассиси	222-28-11	(91)390-62-44	tadbirkor.vk@exat.uz alcohol.sovminrk@umail.uz
ҚР Вазирлар Кенгаши	Ниязов Исламбек Махсетович	етакчи мутахассиси	222-94-77	(91)385-58-88	qurilish.vk@exat.uz m.ernazarov@exat.uz
ҚР Вазирлар Кенгаши	Сейтжанов Ахмедбек Асанович	бош мутахассиси	222-05-35	(91)370-24-89	invest.vk@exat.uz Akhmeds@umail.uz
ҚР Вазирлар Кенгаши	Худайбергенов Нурлан Худайбергенович	етакчи мутахассиси	222-26-38	(90)723-23-23	xudaybergenov.n.@exat.uz
ҚР Вазирлар Кенгаши	Берданов Максимжан Абатович	бош мутахассиси	222-95-25	(93)360-46-00	agro.vk@exat.uz m.berdanov@umail.uz
ҚР Вазирлар Кенгаши	Нажимов Аманлык Шамшетдинович	бош мутахассиси	222-56-88	(91)392-80-08	yoshlar.vk@exat.uz
ҚР Вазирлар Кенгаши	Аймбетов Байрамбай Шарапатдинович	котибият бошлиғи	222-05-51	(97)356-22-48	jamo.vk@exat.uz

ҚР Вазирлар Кенгаши	Қалбаев Азамат Сабурович	котибият бошлиғи	222-05-03	(91)395-86-64	ijtimoiy.vk@exat.uz
ҚР Вазирлар Кенгаши	Ешназарова Гулчехра Исмаиловна	бош мутахассиси	222-72-05	(93)770-43-84	xotinqizlar@exat.uz
ҚР Вазирлар Кенгаши	Рзаев Жарылкасын Оракбаевич	етакчи мутахассиси	222-66-36	(91)381-00-88	orgotel.rk@exat.uz
ҚР Вазирлар Кенгаши	Нуржанов Азат Джанабаевич	бош мутахассиси	222-95-30	(97)220-11-81	azat.nurjanov@exat.uz
ҚР Вазирлар Кенгаши	Алиев Тилепбай Орынбаевич	масъул котиби	222-26-64	(90)576-19-83	vek.sovmin@exat.uz vek.sovmin@umail.uz
ҚР Вазирлар Кенгаши	Каукышев Рашид Муратович	бош юрист консулти	222-75-25	(90)709-99-02	yurxizmat.vk@exat.uz
ҚР Вазирлар Кенгаши	Базарбаев Нурбол Аманбаевич	Бош мутахассиси	222-27-83	(90)709-09-59	axborot.vk@exat.uz
ҚР Вазирлар Кенгаши	Балтабаев Султанияз Дуйсенбаевич	бош мутахассиси	222-48-40	(91)303-83-00	ter.vk@exat.uz
ҚР Вазирлар Кенгаши	Сапарниязов Камбаржан Жумабекович	бош мутахассиси	222-72-44	(93)487-87-18	mkmb@exat.uz

Эслатма ; ҚР Вазирлар Кенгашининг котибият, бўлим ва гуруҳ раҳбарлари ва бириктирилган масъуллар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси “Онлайн маслаҳатчи” модулига келиб тушган ҳар бир мурожаатларни сфатли жавоб берилишида шахсан жавобгар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги «Компьютерлаштириш маркази» ДУК директори Қ.Тлезов интернет тармоғига техник хизматини кўрсатиши бўйича масъул.

Бириктирилган масъуллар хизмат сафари, меҳнат татилига ва касаллиги туфайли ишга келмаган тақдирда навбатдаги ходимга жавобгарлик юклатилади.

Бириктирилган масъуллар бошқа ишга ўтганда ўрнига тайинланган янги ходимга юклатилади.